
ҲАЖ-2023: ФАРҒОНАДАН ИЛК ЗИЁРАТЧИЛАР ГУРУҲИ 9 ИЮНЬ КУНИ ЖЎНАБ КЕТАДИ

Муҳтарам Президентимиз раҳбарликларидаги улкан ислоҳотлар доирасида мамлакатимизда диний эркинлик борасида яратилаётган қулайликлар самараси ўлароқ, бу йилги ҳаж мавсумида 15 минг нафар ҳамюртларимиз Саудия Арабистонига бориши режалаштирилган. Барча зиёратчилар учун Мадина ва Макка шаҳарларида қулай шароитлар яратилган.

Фарғоналик илк зиёратчилар гуруҳи 9 июнь куни Наманган аэропортидан Ҳаж сафарига жўнаб кетади.

10-11 июнь кунлари Фарғона халқаро аэропортидан ташкил этиладиган жами 6 та рейс билан қолган зиёратчилар Саудия Арабистонига йўл оладилар.

Вилоятимиздан ҳаж зиёратига борувчи сўнгги гуруҳ 11 июнда Тошкент шаҳридан амалга ошириладиган парвоз билан жўнайди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-06-07 12:33:53